

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ЧОЛҒУ СОЗЛАРНИНГ ОВОЗ ИМКОНИАТЛАРИ

Маханов Шерзоджон Ирисбой ўғли

Баннобжонов Алишер Ёрқинжон ўғли

Наманган давлат университети магистрантлари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6539725>

Аннотация. Мақолада Ўрта Осиё минтақаси маданий маркази бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида оммалашган чолғу асбобларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг овоз имкониятлари ва оҳангланишидаги иқлимий шарт шароитлар, халқимиз орасида ноёб касб сифатида эътироф этилган созгарлик санъати ва уни ривожлантиришига қаратилган ҳаракатлар атрофлича муҳокама қилинган.

Калим сўзлар: акустика, музикаий акустика, гижжак, рубоб, тебраниш, ўзбек халқ чолғу асбоблари, оҳанг, соз, созгарлик, иқлим шароити.

ЗВУКОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ШИРОКО РАСПРОСТРАНЁННЫХ МУЗЫКАЛЬНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Аннотация. В статье подробно рассматривается история происхождения популярных в Узбекистане музыкальных инструментов, культурный центр Средней Азии, их звуковые возможности и климатические условия, признанное среди нашего народа музыкальное искусство уникальной профессией и усилия по его развитию.

Ключевые слова: акустика, музыкальная акустика, гиджак, рубоб, вибрация, узбекские народные инструменты, мелодия, лирика, музыка, климатические условия.

SOUND POSSIBILITIES OF CENTRAL ASIA MUSICAL INSTRUMENTS

Abstract. The article discusses in detail the history of the origin of musical instruments popular in Uzbekistan, the cultural center of Central Asia, their sound

capabilities and climatic conditions, the art of music recognized as a unique profession among our people and efforts to develop it.

Keywords: acoustics, musical acoustics, gijjak, rubob, vibration, Uzbek folk instruments, melody, lyrics, music, climatic conditions.

Introduction

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохатлар, халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, мамлакатимизда илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида эришилаётган ютуқлар, аҳолини, айниқса, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришда, миллий қадриятлар ва анъаналарни асраб авайлаш ва кенг тағриб этишда мусиқа таълими ва санъатининг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида маънавий-маданий меросимизга катта эътибор қаратилиб келмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир.” Инсон камолоти йўлида аجدодларимиздан қолган кўп асрлик номоддий мероснинг оҳанг сеҳридан руҳий тарбия ва таъбабат мақсадларида фойдаланиш алла қачонлар йўлга қўйилган бўлиб, даво оҳанги кучини эса табиатда пайдо бўладиган мусиқий акустика белгилаб беради.

Мусиқий акустика-мусиқанинг кенг масалалари, мусиқа асбоблар физикасини ва мусиқанинг инсон идрокини ўзига хос хусусиятларини ўрганадиган акустиканинг бир бўлиmidир.

Ҳар бир халқнинг ўз санъати ва шу санъатига мос миллий мусиқа чолғулари бўлганидек, ўзбек миллий мусиқа чолғу асбоблари бисёр. Ҳозирги кунда халқимиз ижтимоий ҳаётида оммалашган қашқар рубоби, ғижжак, доира, най, танбур, чанг, дутор, қобуз, сато каби бир қатор миллий мусиқа чолғуларимизсиз ҳаётимизни тўлиқ тасаввур этиш қийин.

Materials and Methods

Шу нуқтаи назардан минтақамизда Ўрта асрлар илк уйғониш даврида Шарқ цивилизациясига улкан хисса қўшган қомусий олим Абу Наср Форобийдир. Олий фалсафий ва сиёсий масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда маорифни ривожлантириш, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш масалаларига ўз асарларидан салмоқли жой ажратган. Ҳозирги кунда халқимиз орасида кенг оммалашган ўз даврининг етук созларидан саналган бир қатор ўзбек халқ чолғу созлари овоз-жаранг имкониятларини тубдан ислоҳ қилган, такомиллаштирган. Афсуски бизнинг кунларимизга келиб Форобий назариясига асосланган асл созшунослик илми тобора ҳақиқатдан йироқлашиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон халқ хофизи, профессор Фаттоххон Мамадалиев ўзининг “Муסיқа ижрочилик масалаларига доир” рисоласида асосли далилларни келтириб ўтган. Шу нуқтаи назардан ушбу мақоламиз мазмунида Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида соҳадаги тарихий анъаналаримизга таянган ҳолда касбга ихтисослаштирилган тор доира мутахассислари, соҳа вакилларини таълимига эътибор қаратиш каби сайъ-ҳаракатларнинг ўрни ва ролини тадқиқ этиш ўкаби долзарб муаммоларга ечим сифатида қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Discussion

Чолғу асбоблариимизнинг қариб яримининг товуш мембранаси асосан қоплама тери пардадан иборат. Мисол учун ғижжак созини оладиган бўлсак, унда товуш хосил бўлиш асосини қоплама тери парда таъминлаб беради. Қоплама асосан ҳайвон юраги пардасидан тортилади, баъзан ғижжак садоси имкониятини кенгайтириш мақсадида балиқ териси ҳам тортилади. Агар таққослайдиган бўлсак, Европа халқларида ҳам ғижжак созига жуда яқин бўлган камонли соз скрипка мавжуд бўлиб, унинг барча қисмлари ёғочдан ишланган. Скрипканинг бу жихати унинг ҳарқандай шароитда, атроф муҳитнинг ўзгаришига, яъни ҳавонинг совуқ ёки иссиқлигига қарамай дойимо бир ҳилда жаранглашига замин яратади. Ушбу жихат скрипка созини Европанинг нам иқлим шароитига мослаб яратилганидан дарак беради ва

унинг об ҳаво қайсарликларига дош бера олиши соз имкониятларида бошқа халқлар торли камонли чолғуларга нисбатан устунлик жихатини эътироф этади.

Ўзбекистонда ҳозирда миллий чолғу ясовчи усталар ҳам скрипкага ўхшаш "ғижжаги Бобурий" созини яшашмоқда, аммо, товуши ғижжак садосидек эмас. Тўғри, ғижжаги Бобурий товуши дойимо бир ҳил, ўзгаришларсиз туради лекин, юқорида айтиб ўтилганидек, афсуски миллий куйлар бу чолғуда ўз жозибасини йўқотиши ачинарли. Бундан келиб чиқадики бизнинг миллий куйларимизни ўзимизнинг миллий чолғуларимиз ижросида тинглаш мақсадга мувоффиқ бўлади. Аммо ҳозирда кўпчилик созандалар тўй хашам, тантаналарда айнан ғижжак ўрнига скрипкдан фойдаланишмоқда. Бу албатта ижро этилаётган куйда миллий шукухни йўқолишига сабаб бўлмоқда ва миллий оҳангимиз ўз жозибасини йўқотиб бориш каби салбий оқибатларга олиб келиши миллий муסיқий мумтоз намуналаримизга муносиб ворислик қила олмаётганимиз каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Муаммонинг сабаби эса ғижжак сози пардаси атроф муҳит, об-ҳавога жуда таъсирчанлигидир. Нафақат ғижжак балки, барча қоплама пардали созларимиз ҳам шундай муаммога моил. Шу сабабли миллий номоддий меросимиз бўлмиш мақомларимиз, классик куйларимизни асраб авайлаш асносида миллий чолғуларимиздан ҳам тўғри фойдаланиш ва асраш масаласини долзарб масала сифатида кўриб чиқиш лозимдир.

Results

Минтақамизнинг географик серқуёш иқлим шароитидаги ҳаво ҳароратидаги қуруқлик ва намликни инобатга олган ҳолда тери қопламали муסיқий чолғу асбобларининг қадимда яратилган давридаги илк иқлим шароитлари ва ҳозирги кун шароитларини таққослайдиган бўлсак, анча ҳудудимиз иқлими сезиларли даражада намлашганини бугунги кун синоптик, метеорологлари таъкидлашмиоқда. Иқлим ўзгариши илмий фактлар асосида исботланганини инобатга олган ҳолда миллий чолғу асбобларимизнинг илк

оҳангланиш жозибасини сақлаб қолиш долзарблиги масаласидаги фикримизга таклиф киритмоқчимиз:

1. Ҳар қандай тери қоплама пардали чолғу созларида ҳаво ўзгариши таъсирида товушнинг ўзгариши, ноталарнинг ўз ўрнидан силжиши кузатилади. Бу албатта чолғучи ва тингловчига бир қанча ноқулайликлар келтириб чиқаради. Бундай ҳолда нима қилиш керак?

Бу ҳолда чолғучи ўз созини дойимий равишда асраши лозим. Чолғу созини қиш мавсумида хона харорати камида 18 даража илиқ жойда сақлаши, совуқ жойда ёхуд кўчада олиб юрилганда эса махсус ғилофга солинган ҳолда олиб юриш, ёзда эса ортикча иссиқ ҳаводан, куёш нурунинг тўғридан тўғри чолғуга тушишидан асраш лозим. Лозим бўлса соз қоплама пардасини совуқ ва ортикча исикдан сақлаш созанданинг 1-даражали вазифасидир.

Агар қоплама парда ҳавонинг кескин ўзгаришидан тўғри сақланмаса ёки ғилофланмасдан оддийгина юпка матодан ғилофланса чолғу сози териси катта талофат кўради. Барча жисмлар иссиқда кенгайиши ва совуқда торайиши физик қонуниятлар билан исботланган. Чолғу пардаси бундан мустасно эмас. Бир маротаба бундай таъсирга учраган чолғу қопламаси қайта жойига келмайди. Товуш бўғилиши, бегона ғириллоқ товушлар кўшилиши, юмик товуш чиқиши ва кутилган баландликдаги овоз чикмай қолиши кузатилади. Бундан ташқари чолғунинг торлари сози бир бирига тўғри келсада, ижро вақтида бармоқларнинг босилишида жудаям муҳим бўлган октаваларни бири бирига тушмай қолиши, интервалларнинг оралиғи юқорига қадар ўзгариб бориши кузатилади.

Муסיқий чолғулар ва улар билан боғлиқ намуналар халқ муסיқа ижодиётининг аҳамиятга эга бўлган таркибий қисмини ташкил этади. Миллий чолғуларимиз ҳозирги давргача амалиётда ўз ўрнини эгаллаганлиги ва ижрочилик амалиётида юқори даражага кўтарилиб бораётганлиги, умумбашарият маданиятида алоҳида нуфузга эга эканлиги ҳам бундан далолат беради. Ўзбек халқ чолғуларининг ҳар бирини техник жиҳатдан ва

тараннум даражасига кўра илғор чолғулар даражасига киритиш мумкин. Уларнинг аксарият намуналари бой ижровий имкониятлари ҳамда мукаммал даражада шаклланганлиги билан ажралиб туради.

Айнан мусиқий чолғулар тараннумининг рангбаранглиги (якка, кўш, ансамбл ва оркестр), уларнинг юқори профессионал даражасига эришганлиги ҳамда катта имкониятларга эга эканлигини намоён этади.

Хулоса ўрнида ўзбек мусиқашунослигида, охири юз йиллик давомида миллий чолғуларни ўрганишга бағишланган қатор илмий амалий тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, бир қатор илмий мақолалар, бир чолғунинг тарихи ва ижрочилигига асосланган ўқув адабиётлари нашр этилиб, чолғушуносликдаги илмий-тадқиқот ва шу билан бирга уларни ўрганиш ва ривожда муносиб ўрин эгаллаб келаётганлигини қайд этиб ўтиш лозимдир.

Мусиқий чолғулар халқимизга қадим-қадимдан меросдир. Улар кўп асрлик тарихга эга бўлиб, ҳар бири ўзига ҳос овоз имконияти ва шаклий кўриниши жиҳатидан юксак маънавият эгалари бўлган ота боболаримиз ижтимоий ҳаёт тарзи борасидаги таърихий манбаларни исботлайди. Мусиқий чолғуларнинг келиб чиқишини ўрганишда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда мусиқа олами мифологиясига тегишли тотемизмга эътибор қаратишимиз лозим. Мусиқий чолғуларнинг келиб чиқиши жудаям қадимий бўлиб, улар инсоният тараққиётининг барча босқичларидан ўтиб такомиллашиб борган рақобатбардош ўтмиш намуналаридир. Ўрта асрларга келиб илк бор ал-Фаробий, Ибн-Сино, Абдурахмон Жомий, Дарвешали Чангий сингари буюк мутафаккирларнинг рисоаларида илмий жиҳатдан ўз ифодасини топган. Ўрта аср олимларидан мусиқий чолғуларнинг яратилиши, созларнинг технологик тузилиши ва қўлланиши, авлоддан авлодга ўтиб халқда йиғилган маълумотлар ниҳоятда қимматли ҳисобланиб чолғуларнинг келиб чиқишидан то бугунги кунга қадар бошидан кечирган тараққиётни кузатиш имконини беради. Умуман

олганда Ўрта асрларга оид тарихий материаллар муסיқий чолғуларнинг мавжудлик манзарасини тўлақонли акс эттиради. Бунда илм аҳли ал-Фаробий, Ибн-Сино, Абдурахмон Жомий, Дарвешали Чангийлар муסיқий чолғуларни назарий томонидан таърифлаган бўлсалар, адабиёт ва санъат аҳли Навоий, Умар Хайём, Бобурлар уларнинг амалий тадбиғи ва ҳаётдаги ўрнини адабиёт орқали ҳикоя қиладилар. Уларнинг яшаган даврга келиб Ўрта Осиё ва Хросонда чолғу ижрочилиги ва маданияти юксак даражага эришган. Бундай муסיқачилар оддий хунармандлар орасидан чиққан бўлиб, муסיқачилик касби уларга юқори табақага кириш учун йўл очиб берган. Натижада най, ғижжак, танбур, қонун ижрочилигида юқори даражага эришган хунарманд ёшлар зиёли инсонларнинг шеърий ва муסיқий мажлисларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар.

Ҳазрат Навоий ўз шеърларида муסיқий созларга индивидуал таъриф берериб, ҳар бир муқа чолғусида инсон хусусиятини кўради. Ҳар бир чолғунинг хусусиятини инсон руҳияти ва тафаккури билан боғлайди. Умуман олганда ўрта аср мутафаккирларига хос бўлган эстетик дунёқарашга муносиб фалсафийлик, мушоҳадавийлик, фикрга ўта нозик бўёқ бериш хусусияти санъат соҳасида хусусан, муסיқий чолғулар соҳасида яққол акс этган.

Conclusions

Ушбу муаммоимизнинг илмий аҳамияти ўзбек созгарлик соҳаси ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий ва педагогик жиҳатларини тадқиқ қилиниши, шунингдек, созандалар тафаккурини шакллантириш ва уни “соф соз” тушунчасига кўниктириш санъати услуби билан бир қаторда анъанавий ижрочилик мактаби асосида жамият маънавий тараққиётига таъсири, хусусан Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичидаги аҳамиятини чуқур англаб етишга ҳизмат қилиши билан белгиланади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга тўхталдик:

- Ўзбек мумтоз мусиқа чолғу маданиятининг халқимиз тафаккурини шакллантиришдаги тутган ўрни ва роли назарий жиҳатдан аниқланди;

- ўзбек устоз-шогирд тизими асосида ривожланган созгарлик соҳасини дипломлаштирилган ваколатли мутахассислар етиштириш борасида миллий ижро услубини шакллантиришдаги роли масалалари тадқиқ этилди;

Ўзбек халқ миллий чолғу созларини яшаш, таъмирлар ва созлаш каби фаолиятларни муайян соҳага айлантириш ва касб эгаларини дипломлаштириш аҳамиятини очиб беришда қуйидаги тавсиялар ўринли деб ўйлаймиз:

- тарихий илмий манбалар асосида ўзбек миллий созгарлик санъатини янги босқичга кўтариш;

- ўзбек устоз-шогирд тизими асосида ривожланган созгарлик соҳасини дипломлаштирилган ваколатли мутахассислар етиштириш борасида миллий ижро услубини шакллантиришдаги роли масалалари тадқиқ этиш;

- ўзбек ижро санъатини янги босқичга олиб чиқишда созгарлик ва созловчилик касбининг зарурати ва бунда устоз-шогирд тизими асосланган созгарлик мактабининг санъат олийгоҳлари мавқеида такомиллаштириш миллий мумтоз намуналаримиздан унумли фойдаланиш, халқимиз маънавий дунёсининг камол топишларида муҳим омил бўлишлиги таҳлил қилишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.344
2. Рагс Юрий Николаевич Диссертация в виде научного доклада: Акустика в системе музыкального искусства., Москва - 1998
3. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Тошкент – 1963й.
4. П.Ғуломов, Р.Қурбонниёзов. 5 – синф География дарслиги. Т:2007й
5. А.И.Петросянц. Инструментоведение. Узбекский оркестр нар.инструментов. Т., 1951

6. В.Беляев. О музыкальном фольклоре и древней письменности.Т: 1971
7. В.Беляев. музыкальные инструменты Узбекистана. М:- 1933
8. Madina Nasretdinova, Dilshod Toshaliyev, & Durдона Raimjon Qizi Murodova (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, 3 (2), 846-850.
9. Madina Nasretdinova, Ismoil Rustamov, & Oybek Karimov (2022). MUSIQA SAN'ATINING HOZIRGI KUNDAGI O'RNI. *Scientific progress*, 3 (2), 841-845.
10. Nasritdinova, M. (2021). PEDAGOGICAL COMPONENTS AND STAGES OF HEALTH OF DEVELOP CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(05), 251-258.
11. Madina Nasritdinova, Mansurova Nigora, & Durдона Murodova. (2022). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. *Archive of Conferences*, 44-48. Retrieved from <https://www.conferencepublication.com/index.php/aoc/article/view/1888>
12. Madina Nasritdinova 2021/9-II Actual problems of modern science, education and training THEORETICAL FUNDAMENTALS OF HEALTH THROUGH DEVELOPING CHILDREN THROUGH MUSIC EDUCATION. 29-33 page
13. Kambarav, A. A. (2020). ATTITUDE TO SCIENTIFIC AND RELIGIOUS VALUES IN THE POSTMODERN WORLD AND ITS DIALECTICAL FOUNDATIONS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(9), 158-165.
14. Toshaliyev, D. (2021). A BRIEF PHILOSOPHICAL-SCIENTIFIC ANALYSIS OF MAKOMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 91-95.

15. Qurbonova, B. (2017). FINE ARTS ROLE IN DEVELOPMENT SPIRITUAL МИРОВОЗРЕНИЯ PERSONS. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА*, (2-3), 50.
16. Курбонова, Б. (2017). РОЛЬ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В РАЗВИТИИ ДУХОВНОГО МИРОВОЗРЕНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Ученый XXI века*, 48.
17. Курбонова, Б. М. (2016). Роль перспективы в создании образца изобразительного искусства. *Учёный XXI века*, (7 (20)), 29-31.
18. Akhadjonovich, K. A. THE CLASSIFICATION, CONTENT, ESSENCE AND FUNCTION OF VALUES.
19. Ahadjonovich, K. A. (2021, January). SCIENTIFIC AND SPIRITUAL IN THE RISE OF SCIENCE THE IMPORTANCE OF HERITAGE. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 369-372).